КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 55 (3283). | Жума, 18 март 1966 йил. | Баҳоси 2 тийин.

САБЗАВОТ СЕРОБ БЎЛСИН

Навқирон беш йилликнинг фусункор баҳори миришкор деҳқонларни поёнсиз далалар бағрига — қайноқ меҳнат қучоғига олди. Областимиз пахтакорлари қатори сабзаветкорларимиз ҳам эл бойлигига бойлик қўшиш, шу янги йилимизни улкан зафарларни қўлга киритган ҳолда якунлаш йўлида астойдил бел боғлаб, ишга киришдилар.

Ўтган йили картошка, қовунтарвуз, карам, помидор, сабзипиёз экинларидан баракали хирмон кўтарган Калинин, Оржоникидзе районларининг колхоз ва совхозлари бу йил ҳам пешқадамлик қилмоқдалар. Бу районларда далалар экишга барвақт ва сифатли тайёрланди. Етарли миқдорда маҳаллий ва минерал ўғит ҳозирланди. Парник хўжаликларида соғлом ва дуркун карам ва помидор кўчатлари расад қилиб қўйилди. Мана шуларнинг ҳаммаси эртаги экинлар экишни барвақт бошлаб юборишга имкониятини берди. Асосий майдонларга карам кўчатлари ўтказиш тугалланай деб қолди. Механизация ёрдамида картошка экиш қизғин давом этяпти. Лозим топилган майдонларга помидор ниҳоллари ўтказилмоқда.

Афсуски, областимизнинг бошқа районларида аҳолининг сабзавот маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш йўлида ана шундай кураш олиб борилаётир, деб бўлмайди. Оққўрғон, Бўка, Янгийўл районлари колхоз ва совхозларида бу соҳада катта камчиликларга йўл қўйилмоқда. Хўжалик раҳбарлари сабзавотчилиққа иккинчи даражали иш деб қарамоқдалар.

КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларида, 1966—1970 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳасида қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари билан бир қаторда картошка ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришнинг кенг истиқбол йўллари равшан кўрсатиб берилган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети ҳам яқинда сабзавот маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, аҳолининг шу маҳсулотларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини тўла қондириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бу йил областимиз сабзавоткорлари олдида жуда катта вазифалар турибди: 173 минг 300 тонна сабзавот, 87 минг 900 тонна картошка, 69 минг 100 тонна полиз маҳсулотлари, 36 минг 300 тонна узум, 24 минг тонна мева етиштиришимиз керак. Бу шарафли вазифани бажариш учун барча колхоз ва совхозларда ҳозирдан бошлаб дала ишларини уюшқоқлик билан ўтказишимиз, меҳнатни тўғри ташкил этишимиз, техникадан унумли фойдаланишимиз, эртаги экинлар экиш юзасидан берилган топшириқни бажаришимиз зарур.

Ҳозирга қадар областимиз колхозлари бўйича 5243 ўринга 3200 гектар ерга эртаги сабзавот, 1600 ўринга 1152 гектар ерга картошка экилган. Бу мутлақо талабга жавоб бермайди. Шуннинг учун қулай пайтлардан унумли фойдаланиб, эртаги экинлар экишни кучайтириш лозим. Сабзаветчиларнинг бугунги кенгашида бунга алоҳида эътибор беришиши ва 1966 йилда сабзавот ва полиз экинлари маҳсулотларини кўпроқ етиштириш тадбирлари белгилаб олиниши керак.

Областимиз сабзаветкорлари, жонажон партиямизнинг XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдирайлик. Аҳолиги мўл ва арзон сабзавот, картошка, полиз экинлари, мевачева билан тўла таъминлаш деҳқонларимизнинг шарафли бурчидир.

Бекобод районидаги Ленин номли колхоз аъзолари бу йилги режалар ҳақида тез-тез суҳбатлашиб турадилар. Суратда: колхоз партия ташкилотининг секретари Мамасоли Бегматов колхозчилар билан суҳбат ўтказмоқда.

А. Абалян фотоси.

МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ПРОГРЕССИВ УСУЛИ

Область партия комитети ва область ижроия комитети томонидан ташкил этилган колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг бир ҳафталик семинари тугади.

Якунловчи машғулотга колхоз ва совхозларнинг экономистлари, бош бухгалтерлари, бўлим бошлиқлари, район партия комитетларининг секретарлари, район ижроия комитетларининг раислари, район қишлоқ хўжалик бошқармаларининг бошлиқлари ҳам таклиф этилди.

Семинар қатнашчилари Урта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхознинг бош бухгалтери Мирза Каримовнинг, Оққўрғон районидаги 2-«Оққўрғон» совхози 3-бўлимининг бошқарувчиси Абдулла Бобохўжаевнинг, Янгийўл районидаги Ленин номли колхознинг участка бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Нормирза Эшев ўртоқларнинг лекцияларини зўр қизиқиш билан тингладилар.

Область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. А. Абдураззоқов семинар ишига якун ясади.

Қуйида М. Каримов, А. Бобохўжаев, Н. Эшев ўртоқларининг нутқларини баён қиламиз.

АРЗОН ПАХТА ЕТИШТИРАМИЗ

Ўртоқ А. БОБОХЎЖАЕВ сўзидан

Пахтакорларимизнинг бутун куч ва эътибори оз меҳнат сарфлаб кўп маҳсулот етиштиришга қаратилган. Ҳар бир ишчи съездолди социалистик мусобақасида фаол қатнашиб, ишлаб чиқаришда янги ютуқларни қўлга киритмоқда. Хўжаликда ишни намунали ташкил қилишга эътибор кучайтирилятти. Бўлимимизнинг ишчилари бир ёқадан бош чиқариб деҳқончиликда прогрессив методларни кенг жорий қилишяпти. Пахтадан мўл ҳосил етиштиришда хўжалик ҳисобида ишлаш ҳар жиҳатдан афзал эканлигини амалда исбот этмоқдалар. Буни бўлимимизда қилинган кейинги йиллардаги иш натижаларидан ҳам кўриш мумкин. 1963 йилда хўжалик ҳисобида ишлайдиган 8 та звено туздик. Ҳар бир звенога эса 35—40 гектардан ер ажратиб бердик. 300 гектарлик майдонда эса 3 та бригада тузилди. Шундай қилиб бизнинг бўлимимизда иш икки хил усулда ташкил этилди. Йил охирида эса кўрсаткич ҳам икки хил бўлди. Звенолар бўйича ўртача ҳар гектаридан 29 центнердан хирмон кўтарилиб план ошириб бажарилди. 3 та бригадада эса ҳосил ўртача 21 центнерни ташкил этди. Бир бригада ҳатто планни ҳам бажара олмади. Агар бизда хўжалик ҳисобида ишлайдиган звенолар бўлмаганида бўлимимиз ҳам планини бажара олмай қоларди. Асосан план звеноларда етиштирилган мўл ҳосил ҳисобига бажарилди. Бизда ҳосилдорлик ўша йилнинг ўзидаёқ кескин равишда оширилди. Гектаридан 11,5 ўрнига 23,5 центнердан пахта олинди.

1964 йилга келиб биз нарядсиз ишлайдиган звеноларга тўла кўчдик. 15 та звено ташкил қилинди. Ҳисобкитоб ишларининг ҳаммаси звено бошлиғи зиммасига юклатилди. Бу эса ҳаражатларнинг камайишига олиб келди. Уша йили бўлим бўйича 19 минг сўм, ўтган йили эса 15 минг сўм маблағ тежаб қолинди.

Бўлимимизда ҳамма маош олиб ишлямоқда. Звено бошлиқларининг етиштирадиган ҳосилига қараб ойлик иш ҳақи белгилаб қўйдик. Уларнинг ўртача маоши 90 сўмдан 100 сўмгача, сувчиларники 80 сўмдан 90 сўмгача, ишчиларники эса 60-70 сўмдан белгиланди.

Даладаги ишларнинг боришига қараб меҳнат ҳақлари ҳам ошиб бораверади. Йиғим-терим даврида иш янада кўпаяди. Звено бошлиғининг ўзи пахта теради. Шуни ҳисобга олиб 15 сентябрдан то 15 ноябргача механизатор звено бошлиқларининг иш ҳақига 30 процент, оддий ишчиларнинг ҳақига 15 процент, 15 майдан 15 августгача эса сувчиларнинг ойлигига 25 процентдан қўшимча пул берилади.

Ишчиларимизнинг моддий манфаатдорлиги ошган сари маҳсулот кўп етиштирилмоқда. Пахтанинг таннархи арзонлашмоқда. Биз ўтган йили 100 сўм сарфлаб 143 сўм 53 тийин даромад қилдик. Ҳар бир центнер пахтанинг таннархи 22 сўм 20 тийинга тўғри келди.

Ишчиларимиз борган сари техника, ишчи кучларидан, шунингдек минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Нарядсиз ишлашни қатъий амалга ошириб ҳар бир гектар ерда мўл ҳосил етиштиришни таъминлаймиз. Пахтакорларимиз КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳасида кўрсатилганидек деҳқончилик маданиятини янада юқори поғонага кўтарадилар.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ — ТЎҒРИ ЙЎЛ

Ўртоқ М. КАРИМОВ сўзидан

КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳасида колхоз ва совхозларда хўжалик ҳисобини кенг жорий қилиш зарурлиги алоҳида кўрсатилган. Ҳақиқатан ҳам бу жуда муҳим масаладир. Уни ҳамма ерда тезроқ амалга ошириш зарур.

Колхозимизда комплекс механизациялашган звеноларнинг уч йилдан бери хўжалик ҳисобида ишлаяптилар. Бунинг натижаси жуда яхши бўлаяпти. Экинлардан ҳосил етиштириш тобора кўпаймоқда. Шу билан бирга ортиқча харажатлар камаётир. Ҳар бир иш кунининг қиммати ошаяпти. Қисқаси ким баракали хирмон кўтарса у кўп ҳақ олаяпти.

Ўтган йили ғўза қатор оралари ишловчи колхозчиларга аккорд усулида ҳақ тўлаш системасига кўчгандик. Биз ишни пухта ташкил қилиб экин майдонининг ҳаммасини звено аъзоларига бўлиб бердик. Ҳар ўзларига бириктирилган карталарда ишладилар. Меҳнат ҳақи ҳар ўн беш кунда бериб борилди. 15 августга бориб қилинган ишларнинг натижасига қараб ҳисобкитоб қилинди. Бунда агротехника совети аъзоларининг фикри ва хулосалари ҳисобга олинди.

Шундай қилиб колхозда хўжалик йили муваффақиятли якунланди. Илғор звено аъзолари яхши даромад олдилар. Буни икки звенонинг иш мисолидан ҳам кўриш мумкин. 18-звено аъзоларининг ҳаммаси ўзларига биркитилган картадаги ғўзаларни меҳр билан парвариш қилишди. Ҳар бир ишнинг сифатига аҳамият беришди. Натижада пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Даромад ҳам катта бўлди. Ҳар бир иш кунига 7 сўм 95 тийиндан пул тақсимланди. 15-звенода эса натижа бошқача якунланди. Звенонинг айрим аъзолари кўпчилик сингари жон ачитиб ишламадилар, оқибатда қатор ораларига ишлов беришда агротехника қоидалари кўпол равишда бузилди. Шу сабабли ҳосил мўлжалдагидан кам бўлди. Ҳар бир иш кунига 4 сўм 83 тийиндан пул тақсимланди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида ўтган йил қўлга киритилган ютуқлар қайд қилиниши билан бирга бу йилги вазифалар ҳақида ҳам батафсил гапирилди. Деҳқонлар қатор ораларининг кишиларга бириктиб қўйилиши яхши натижа бераётганини таъкидлаб, бундан кейин ҳам ана шундай қилиш мақсадга мувофиқ эканлигини айтишди. Кўпчиликнинг бу фикри правленияга маъқул тушди. Аввал бизда қатор оралари звено аъзоларига уч ой давомида бириктириб қўйиларди. Бу йил эса бу тартибни ўзгартириб, экин ерлари звено аъзоларига беш ой давомида бириктириб қўйиш лозим топилди. Ўйлаймизки, яна ҳам яхши бўлади. 15 мартдан бошлаб звеноларнинг ҳамма аъзоларига ер ажратиб бердик. Улар ҳозир шу майдонларда зўр ғайрат кўрсатиб ишлашяпти. Ҳар бир киши ўз участкасида мўл ҳосил етиштиришга қатъий бел боғлаган. Бир мисол. Ўртоқ Исроил Ёқубов бошлиқ 1-звенонинг 46 гектар ери бор. Шунга яраша кучлар ажратилган. Звено бошлиғи колхозчиларнинг иш қобилиятига қараб уларга участкалар ажратиб берди. Зуҳра Аббарова, Лида Белоусова каби ўртоқларнинг ҳар бири беш гектардан ерни ишлаб бериш мажбуриятини олдилар. Уларнинг биринчи картада икки гектардан, иккинчи картада эса уч гектардан ери бор. Иқбол Қаюмова, Сотигул Турғунова каби звено аъзоларининг биринчи участкада 1,20, иккинчи участкада 1,80 гектардан ери бор. Колхозчи ҳақни қанча ерни ишлаётганига қараб табақалашган ҳолда олади. Улар беш ой давомида ўзларига биркитилган карталардаги асосий ишларни шахсан ўзлари бажарадилар. Карта четларини чопадилар, текислайдилар, далани ҳар хил бегона ўт илдизларидан тозалайдилар. Чигитнинг унишини тезлаштириш тадбирларини кўрадилар. Ғўзанинг нормал ривожланиши учун зарур бўлган барча ишларни ўз вақтида сифатли бажариш учун курашадилар.

Колхозимизда партия съезди Директивалари лойиҳаси кенг муҳокама қилингач, мўл ҳосил учун кураш янада қизғин тус олди. Биз Директивалар лойиҳасини якдиллик билан маъқуллар эканмиз, колхозимизда беш йиллик планни тўрт йилда бажариш юзасидан ўз зиммамизга конкрет мажбурият олдик. Колхозчилар шу кунларда дала ишларини кучайтириб, майдонларнибиз ҳар жиҳатдан ютамиз. экишга сифатли қилиб тайёрламоқдалар.

Биз бултур гектаридан 24,6 центнердан пахта етиштирдик. Беш йиллик охирига бориб ҳосилдорлик 30 центнерданга етказилади.

НАРЯДСИЗ ИШЛАШ САМАРАСИ

Ўртоқ Н. ЭШЕВ сўзидан

Бизда техникадан ва ишчи кучларидан фойдаланиш илғарилари кўнгилдагидек бўлмасди. Сабаби, биз кўпинча умумий раҳбарлик билан ўралашиб қолиб, ишни хашар усулида ўтказишга мажбур бўлардик. Бундан фойдаланган айрим кишилар хўжакўрсингагина ишлаб, илғорлар нонини «туя» қилардилар.

Ўтган йили биз участка ташкил қилдик. Иккита комплекс механизациялашган звено тузилди. Звенога бошлиқ қилиб тажрибали тракторчиларни қўйдик. Улар ишни нарядсиз усулда ташкил этдилар. Звенолардаги колхозчиларнинг кучига қараб ойлик белгиладик. Кейин қатор оралари звено аъзоларига биркитиб қўйдик. Ҳар бир киши ўзига биркитилган майдонда беш ой давомида дала ишларини бажарди. Ҳалол ишлаб, экинни меҳр билан парвариш қилган одам даромадни ҳам шунга қараб олди. Кўпгина звено аъзолари уч-тўрт марта ўрнига чопиқни сифатли қилиб иккиикки ярим марта ўтказдилар, мўл ҳосил етиштиришга пухта замин яратдилар. Биркитилган участкасини бегона ўт илдизидан тўла тозалаган, экин қатор оралари сифатли юмшатган колхозчилар ҳафтада икки кундан дам олишга, уй-рўзғор ишлари билан бемалол шуғулланишга улгурдилар.

Пахта ерларини колхозчиларга биркитиб қўйиш усули бизга жуда маъқул бўлди. Деҳқоннинг дилидаги мақсади топилди. Меҳнат интизоми мустаҳкамланди. Ҳамма ўз карталаридаги ўсимликни меҳр билан парвариш қилиб, ғўзаларнинг ўт босиб кетмаслиги, чанқаб қолмаслиги учун ҳаракат қиляпти. Шунинг учун ҳам участкамиз аъзолари «оқ олтин»дан тоғ-тоғ хирмон кўтаришяпти. Энди бизда иш ҳақидан қолийдиган одамлар ҳам қолмади. Ғиёжон Тоҳирова, Анорхон Кенжаева, Қутби Усмонова каби меҳнатсевар колхозчиларга алоҳида майдон биркитиб қўйилгандан кейин иш ҳақлари кўпайиб кетди, яъни бир ярим бараварга кўпайди.

Участкада нарядсиз ишлашни йўлга қўйишимиз колхозимизнинг бошқа бригада ва участкаси аъзоларига ҳам жуда маъқул бўлаяпти. Улар ҳам биздан ўрнак олиб, бу йил нарядсиз ишлашга қарор қилдилар.

Ҳамма ерда нарядсиз ишлашни намунали ташкил қилайлик. Бу билан

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Олтинчи чақириқ СССР Олий Советининг ваколатлари тугаганлиги муносабати билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми СССР Конституциясининг 54-моддасига асосланиб, ҚАРОР ҚИЛАДИ:

СССР Олий Советига сайлов 1966 йил 12 июнь, якшанба кунига белгилансин.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси

Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари

М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1966 йил 17 март.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

16 мартда республика комсомолининг XVIII съезди сайлаган Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг пленуми бўлди. Пленум Р. Х. Абдуллаевани Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб, Б. А. Красниковни иккинчи секретари қилиб, Д. А. Абдураззоқова, Р. Р. Алимов, Д. С. Ёдгоров ўртоқларни секретарлар қилиб сайлади.

Р. Х. Абдуллаева, Д. А. Абдураззоқова, Р. Р. Алимов, А. В. Ваҳобов, Б. А. Красников, И. А. Ларин, Ю. И. Рибкин, Б. С. Тошхўжаев, И. А. Умаров, С. И. Йўлдошев, Д. С. Ёдгоров ўртоқлар Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг бюро аъзолари қилиб сайландилар.

Пленум Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети бўлим мудирларини ҳамда ёшлар газеталарининг редакторларини тасдиқлади.

* * *

Ўзбекистон ЛКСМ ревизия комиссиясининг мажлисида А. Комилжонов шу комиссиянинг раиси қилиб сайланди.

(ЎзТАГ).

ТАСС АХБОРОТИ

«КОСМОС-110» ПАРВОЗИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТАМОМЛАДИ

Совет Иттифоқида 1966 йил 22 февралда учирилган, ичида жониворлар бўлган Ернинг сунъий йўлдоши «Космос—110» 16 мартда ўзининг космик парвозини тамомлади ва 330 — марта айланиш вақтида белгиланган районга муваффақиятли қўнди. Йигирма икки суткага яқин давом этган парвоз вақтида йўлдош ичига ўрнатилган илмий аппаратлар ёрдамида жуда катта комплексдаги медицина—биология тадқиқотлари ўтказилди. Ер сатҳидан анча йироқдаги космик бўшлиқда узоқ вақт бўлишнинг жониворлар организмига қандай таъсир қилиши тўғрисида дастлабки маълумотлар олинди.

Парвоз вақтида йўлдошдаги ҳамма системалар нормал ишлаб турди; вазнсизлик ҳолатида узоқ вақт парвоз қилиш, йирик масофалардаги радийация нурланишларининг ва космик муҳитдаги бошқа факторларнинг таъсири шароитида системаларнинг бутун комплекси ўзининг пухта ишлай олишини кўрсатди. Йўлдошнинг парвози натижасида олинган медицина — биология ахборати жониворлар организмининг узоқ вақт вазнсизлик шароитида бўлишдан қандай таъсирланганлиги тўғрисида муфассал маълумотлар беради. Парвоз натижасида 900 километрга йироқдаги космик нурланиш ва ернинг радийация белбоғи тирик организмга қандай таъсир қилиши тўғрисида олинган маълумотлар катта аҳамиятга эга.

Тажриба учун учирилган жониворлар — Ветерок ва Уголёк итларининг Ерга қўнганидан кейинги аҳволи яхши. Программага мувофиқ, жониворлар текшириб кўрилади ва улар синчиклаб кузатиб турилади.

«Космос-110» йўлдошининг узоқ вақт қилган парвози натижасида олинган қимматли илмий материаллар синчиклаб ўрганиб чиқилади ва космик фазони бундан буён тадқиқ этишга катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Олинган материалларни қайта ишлаш натижалари вақтли матбуотда ва илмий журналларда нашр этилади.

«Тошкенткабель» заводининг илғор коллективи КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборган. Улар шу йилнинг биринчи кварталида плондан ташқари бир неча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилганлар. Суратда: резина тайёрлаш бўлимининг ишчиси Р. Тўғонов (чапда) ва смена мастери Т. Йўлдошев ўртоқлар иш устида.

М. Нуриддинов фотоси.

МОСКВАДА «ЎЗБЕКИСТОН КУНИ»

СССР пойтахтига келган Совет Ўзбекистони вакилларини москвиликлар азиз қардошлардек самимий кутиб олишди. Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг марказий лекторийсида 16 мартда ўтказилган «Ўзбекистон куни» кечасида москвиликларнинг хурсандчилиги, меҳмондўстлиги ва очиқ кўнгиллилиги ёрқин намоён бўлди.

Бу — совет ҳокимияти 50 йиллиғини нишонлаш юзасидан КПСС Москва шаҳар комитети билан бутуниттифоқ «Билим» жамияти ўтказадиган «иттифоқдош республикалар» кунларининг биринчиси бўлди.

КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари А. П. Шапошникова кечани қисқача кириш нутқи сўзлаб очди. У, меҳмонларни — серқуёш республика вакилларини қизғин табриклади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Республика Олий Совети Президиуми ва Ҳукуматининг топшириғига биноан, бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг правлениесига, Москва шаҳар ва Жданов район партия комитетларига ана шу ажойиб учрашувни уюштирганликлари учун, Ўзбекистон вакилларини сидқидилдан ҳурматлаб уларга иззат-икром кўрсатаётганликлари учун серқуёш ўлканинг барча меҳнаткашлари номидан чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирди.

Нотиқ мамлакатимизда коммунизм қурилишининг улуғ ишига республика меҳнаткашлари қўшаётган катта ҳисса тўғрисида гапириб берди. Ленинча миллий сиёсат оғишмай ва изчиллик билан ўтказиб келинаётганлиги туфайли Ўзбекистон экономикаси юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Барча қардош республикалар қатори Ўзбекистон ҳам социалистик тузум афзалликларидан баҳра олиб совет ҳокимияти йиллари мобайнида тараққиёт йўлидан улкан чўққиларга кўтарилди.

Битмас-туганмас табиий бойликларга эга бўлган Ўзбекистонда, деди ўртоқ Нишонов, революциядан аввалги вақтда сал бўлса ҳам ривожланган саноат йўқ эди. Қишлоқ хўжалиги ҳам ниҳоятда ибтидоий тарзда олиб борилар эди. Ўзбекистон техника-иқтисодий жиҳатдан жуда қолоқ, аҳолиси деярлик ёппасига саводсиз ўлка эди. Ҳозирги вақтда республикада мингдан ортиқ йирик саноат корхонаси бор, революцияга қадар бутун Россияда ишлаб чиқарилган электр энергиядан тўрт баравар кўп электр энергия ҳосил қилинмоқда. Ўзбекистон саҳий ерининг туҳфаларини, оғир, енгил ва озиқ-овқат саноатининг маҳсулотларини ватанимизнинг шаҳар ва қишлоқларига, чет эллардаги 79 мамлакатга юбориб турибди.

КПСС XXIII съезди арафасида, деди нотиқ, ўзбек халқи янги меҳнат туҳфалари билан ватанни хурсанд қилиш учун ўзининг бутун куч ва ғайратини, бутун қалб ҳароратини ишга солмоқда.

Сўнгра, ўртоқ Нишонов қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда қўлга киритилган катта-катта муваффақиятларни, Ўзбекистон маданияти ва илм-фани гуллаб-яшнаганлигини гапириб берди.

Марказий лекторийда очилган виставкада республика меҳнаткашларининг ана шу ғалабалари яхши акс эттирилган.

Самарқанд областидаги Энгельс номли колхоз раиси Фотима Қосимова минбарга чиқади. Бу олижаноб аёл ўзининг олти фарзандини ва Улуғ Ватан уруши йилларида асраб олган ўн болани тарбиялаб вояга етказди. У, қишлоқ хўжалик артелининг муваффақиятлари ҳақида, колхозчилар партия XXIII съездини қандай ютуқлар билан кутиб олаётганликлари тўғрисида сўзлади.

Кечада Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, республика «Билим» жамияти правлениесининг раиси И. М. Мўминов, шоира Зулфия Исроилова, Ўзбекистон ёзувчилар союзи правлениесининг секретари А. Мухтор сўзга чиқдилар.

Кечада катта концерт қўйиб берилди, концертда Ўзбекистон ва Москванинг санъат усталари қатнашдилар.

17 мартда Ўзбекистон вакиллари маданият уйлари ва саройларида пойтахт саноат корхоналарининг коллективлари билан учрашдилар.

(ТАСС мухбири).

ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИНИНГ XVIII СЪЕЗДИ

ОЛҒА БОСАВЕР, КОМСОМОЛ АВЛОДИ!

Ёшларнинг шонли ишлари тўғрисида телеграфдан кун сайин янгидан-янги хабарлар келиб турибди. Чўғдай қизиган мартен печи ёнида ва пахта даласида, илмий лабораторияда ва қурилиш майдончасида, олий ўқув юртининг аудиториясида ва мактаб парталаридa—ҳамма ерда ёш ватанпарварларнинг илҳомбахш меҳнати жўш урмоқда. Худди революциянинг дастлабки кунларидаги сингари ёшларимиз Коммунистик партияга энг самимий қалб сўзларини йўлламоқдалар, партия ишончини улар ўз ҳаётларидай қадрламоқдалар. Партияга, халққа, Ватанга бўлган бу садоқат КПСС XXIII съездига тайёргарлик кўриш кунларида буюк коммунистик қурилиш солномасига шонли саҳифалар қўшаётган йигит ва қизларнинг ажойиб зафарларида ёрқин намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон комсомолининг Тошкентда бўлиб ўтган XVIII съезди минбаридан меҳнат ғалабалари тўғрисидаги рапортлар янгради. Съезд делегатлари республика комсомоли Марказий Комитетининг ҳисоботини муҳокама қилиб, КПСС XXIII съездига ва ВЛКСМ XV съездига тайёргарлик муносабати билан ёшларда меҳнат активлиги ниҳоятда ошиб кетганлиги ҳақида гапирдилар. Нотиқлар ўз нутқларида тенгдошларининг ҳис-туйғу ва ниятларини изҳор қилдилар. Улар ҳам ҳозир барча совет кишилари сингари беш йиллик план юзасидан Директивалар лойиҳаси таассуроти билан яшамоқдалар, жонажон партия планларини қизғин маъқулламоқдалар. Нотиқларнинг нутқларида ташкилий ва тарбиявий ишларнинг ибратли тажрибасига якун ясалди, комсомол ташкилотининг бутун фаолиятини янада яхшилашга қаратилган таклифлар киритилди.

Ҳамма янгилик ва илғор нарсаларнинг ташаббусчилари бўлайлик, саноат кўрсатиб ишлайлик — Ўзбекистон пойтахтининг саноат корхоналарида, тадқиқот институтларида ва муассасаларидаги кўп минглаб ёш ватанпарварлар ана шундай шиор остида меҳнат қилмоқдалар, деб ҳикоя қилди Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари **И. Умаров.**

Шу кунларда шаҳар ёшлари ўртасида «Юксак унумдорлик ва аъло сифатли маҳсулот» деган шиор кенг ёйилган. Топшириқларнинг неча процент ошириб бажарилганлигина эмас, шу билан бирга тежалган хом ашё миқдори ҳам ҳисобга олинмоқда. Ишлаб чиқарувчилар келажакка назар ташлаб, янги беш йилликда яхши меҳнат қилмоқ учун билимларни эгаллаш, маҳоратни такомиллаштириш зарур, демоқдалар. Комсомол ташкилотлари бу ишда ёш меҳнаткашларга ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. «Таштекстильмаш», «Ташкентка-бель» заводларида ва 1-пойафзал фабрикасида малака ошириш тўгараклари, меҳнатнинг илғор усулларини ўрганиш курслари ташкил қилинди. Ишлаб чиқаришдан ажралмай туриб, кечки умумий таълим мактабларида, олий ўқув юртлари ва техникумларда ўқишга аҳд қилган йигит ва қизларга тегишли ёрдам кўрсатилмоқда.

Илғари комсомол комитетлари асосий эътиборни хўжалик ишларига қаратиб, идеологик ишни сусайтириб юборган эдилар. Бу нарса шунга олиб келдики, айрим ёшлар комсомол комитетларининг назар эътиборидан четда қолдилар, очиғини айтиш керакки, комсомоллар орасида пассив ишлайдиган, уставда кўрсатилган вазифаларни унутиб қўйган кишилар ҳам йўқ эмас эди. Комсомол комитетлари ташкилотга аъзо бўлиб кирувчиларга нисбатан талабчанликни пасайтириб юбордилар. ВЛКСМ аъзолари ишлаб чиқариш ва турмушдаги шахсий хулқ-атворлар учун жавобгар эканлигини кўпинча уларга эслатиб турмайдилар. Ҳозирги вақтда кўпгина бошланғич ташкилотларда йигилишлар ўтказилиб, бу йиғилишларда комсомоллар ўз фаолияти тўғрисида ўртоқлари олдида ҳисобот бермоқдалар. Бу тадбир муайян натижалар бера бошлади.

Ёшларни революцион анъаналар руҳида тарбиялаш, ҳар бир меҳнаткашнинг онглилигини ошириш зарур, деб таъкидлади Андижон область комсомол комитетининг биринчи секретари **С. Қурбонов.** Областдаги комсомол ташкилотлари бу вазифани ҳал эта туриб, ўз ишларида турли форма ва методлардан фойдаланмоқдалар.

Техника билан дўст бўлсанг, у меҳнатингни юз карра ортиғи билан қайтаради, деди Самарқанд область Нарпай районидаги Киров номли колхознинг механик-ҳайдовчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **С. Толмасов.** Колхоз комсомоллари пахтачиликни комплекс механизациялаш учун курашнинг авангардида бўлишга ҳаракат қилмоқдалар ва бу ишда ташаббус кўрсатмоқдалар.

Фарғона область комсомол комитетининг биринчи секретари **Р. Алимов** ёшлар ўртасида ташкилий ва сиёсий ишларни янада такомиллаштириш масалалари устида тўхталиб, **раҳбар кадрларни моҳирлик билан танлаш ва тўғри тарбиялаш — муваффақиятга эришишнинг ҳал қилувчи шартидир,** деб таъкидлади. Аҳволни анализ қилиб чиқилганда, комсомол комитетлари секретарларининг ўртача иш стажи жуда кам эканлиги маълум бўлди. Яқин вақтларга қадар бу стаж бир йилдан сал кўпроқни ташкил қилиб келди. Ҳозирги вақтда бу нуқсон тузатилмоқда. Областда бўлиб ўтган конференцияларда 24 та шаҳар ва район комитетлари секретарларидан атиги иккитаси алмаштирилди.

Революцион ҳушёрликни ошира бориш, Ватанни ҳимоя қилишга доим тайёр туриш — Советлар мамлакати гражданининг энг биринчи бурчидир. Шунинг учун ҳам **ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш — комсомолнинг энг муҳим вазифасидир.** Туркистон ҳарбий округи ҳарбий советининг аъзоси, ҳарбий округ сиёсий бошқармасининг бошлиғи, генерал-лейтенант **Н. С. Демин** ўз нутқини ана шу масалага бағишлади.

Қорақалпоғистон область комсомол комитетининг биринчи секретари **С. Қонғўзов** автоном республика ёшлари ўртасида КПСС XXIII съездига ҳозирланиш муносабати билан меҳнат ва сиёсий активлик нақадар кучайиб кетганлигини ёркин мисолларда кўрсатиб ўтади. **Беш йиллик вазифарини ёшларга кун сайин моҳирона ва содда қилиб тушунтира бориш,** янги планлар ва келгуси зафарлар романтикасини тараннум этиш лозим.

Хоразм область Янгиариқ районидаги Беруний номли мактабнинг бош пионервожатийси **Ш. Болтаева** сўзга чиқади. У **ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга мактабда, пионер отрядида асос солинади,** деб делегатларга эслатиб ўтди.

Тошкент область комсомол комитетининг биринчи секретари **Б. Тошхўжаевнинг** фикрича ёшларни **физкультура ва спорт билан янада яхшироқ** иноқлаштириш зарур. Область комсомол ташкилотлари кейинги вақтларда спорт тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қиладиган бўлиб қолдилар, буни чинакам оммавий қилишга интилмоқдалар, разрядли спортчилар ва значкистлар сони кўпайди, Свердлов номли ва Димитров номли колхозларнинг шунингдек Чирчиқ электрохимия комбинатининг футбол командалари «Б» классида мамлакат биринчилиги учун футбол мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Ҳар бир ишлаб чиқариш коллективи ўз спорт командасига эга бўлсин, ҳар бир комсомол физкультурачи бўлсин, деган вазифа қўйилди. Бу — оғир, лекин бемалол бажарса бўладиган реал вазифадир.

Нотиқ турли соҳалардаги ишнинг аҳволини таҳлил қилиб, комсомол интизомини яхшилаш зарурлиги тўғрисида гапиради. Комсомол аъзосининг ҳеч қандай узрли сабабсиз бошланғич ташкилотдан алоқасини узиб қўйиши ва бунинг учун тегишлича масъулиятга тортилмаслиги асло нормал аҳвол эмас. ВЛКСМ аъзоларининг уставга риоя қилиши учун талабчанликни ошириш зарур. Тошкент областидаги бир қанча корхоналарда ўсмирларга ғамхўрлик қучайтирилди. Комсомол комитетлари уларни актив жамоатчилик ишига жалб қилмоқда, тезроқ касб эгаллаб олишларига ёрдам бермоқда, меҳнат қонунларининг бузилмаслигини кузатиб бормоқда. Бироқ, афсуски ҳали ҳамма ерда ҳам ўсмирларга етарлича эътибор берилаётир деб бўлмайди.

Улуғ Ленин байроғини баланд кўтарайлик, йигирманчи йиллар комсомолларининг шон-шуҳратини кўпайтирайлик — республикада комсомол ҳаракатининг ветерани, «Фарғона» совхозининг директори **Т. Шодиева** съезд делегатларига ана шундай чақириқ билан мурожаат қилди. У Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун олиб борилган қаҳрамонона кураш ҳақида, бутун кучини, баъзан эса жонини ҳам халқ бахт-саодати йўлида фидо қилган дастлабки комсомоллар ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Мўл-кўл пахта учун кураш — ёшларнинг шон-шараф ишидир. Бу ишда комплекс механизацияни жадаллик билан амалга ошириш — энг муҳим масала ҳисобланади, деди Сирдарё область комсомол комитетининг иккинчи секретари **А. Петров.** Областда икки юздан ортиқ комсомол-ёшларнинг комплекс механизациялашган пахтачилик бригадалари ва звенолари тузилган. Ўтган йил мавсумда Пахтаорол совхозида ёшлар жами ҳосилнинг учдан икки қисмидан кўпроғини машиналарда териб бердилар. Етиштирилган ҳосилнинг 80—90 процентини қўл меҳнати сарфламай йиғиб-териб олаётган бундай бригада ва звеноларнинг эндиликда оз эмас.

Комсомол комитетлари механизаторлар ўқувини биринчи галдаги вазифа деб ҳисобламоқдалар. Ўтган йили ана шундай ўқувни ташкил қилиш йўли билан саккиз мингга яқин машина ҳайдовчилар турли курслар ва тўгараклар таълим олдилар ҳамда қайта тайёргарликдан ўтдилар.

Шеробод канали қурилиши комсомол штабининг бошлиғи **Ю. Раҳимов** сўз олади. Республика комсомоли Марказий Комитети, дейди у, **беш йилликнинг зарбдор қурилишлари ўртасида мусобақа ташкил этиши,** шу қурилишлар коллективларининг вакилларини вақти-вақти билан тўплаб, тажрибаларини ўртоқлашишни йўлга қўйиши керак.

Нотиқ республиканинг жанубий районлари қишлоқ хўжалигини юксалтиришда муҳим роль ўйнайдиган канал қурилиши кенг миқёсда олиб борилаётганлиги тўғрисида, КПСС XXIII съездини муносиб кутиб олаётган ёш қурувчиларнинг меҳнатдаги муваффақиятлари ҳақида гапириб берди.

Қарши даштини забт этувчиларнинг аҳил оиласида салкам эллик миллатнинг фарзандлари қўлни-қўлга бериб меҳнат қилишмоқда, дейди Қашқадарё область комсомол комитетининг биринчи секретари **А. Муртазоев.** Қўриқ ерларнинг дастлабки бир неча минг гектари қисқа вақт ичида ўзлаштирилди. «Аврора» совхози ташкил этилди, янги посёлкалар қурилмоқда, қурилиш материаллари комбинати барпо этилмоқда. Яқин йиллар ичида ўнларча янги совхозлар ва саноат корхоналари бино қилишимиз керак. Ёшлар чўлқуварларнинг олдинги сафида боришмоқда.

Комсомоллар ҳамиша ва ҳамма ишда партиянинг актив ёрдамчилари бўлишлари керак, дейди Бухоро область Ғиждувон район комсомол комитетининг биринчи секретари **Г. Уринов.**

Ёшларни интернационал руҳда тарбиялаш идеология ишида биринчи даражали аҳамиятга эгадир, дейди Самарқанд область комсомол комитетининг биринчи секретари **М. Ҳасанов.**

Самарқанд ёшлари Тожикистоннинг Панжакент шаҳридаги тенгқурлари билан дўстлашиб олишди. Қардош республикаларнинг қўшни районларидаги йигит ва қизлар учрашуви ўхтин-ўхтин ўтказилиб турибди. Улар ўзларининг бадиий ҳаваскорлик тўгараклари муваффақиятларини бир-бирларига намойиш қилиб кўрсатишади, тажрибаларини баҳам кўришади, план ва режаларини ўртоқлашишади.

Биз Ўзбекистоннинг барча ёшлари, қатори съездимизни меҳнат совғалари билан кутиб олдик, деб сўз бошлайди Тошкент тўқимачилик комбинати комсомол комитетининг секретари **Л. Кундухова.** Пландан ташқари миллион-миллион метр газлама, миллион-миллион галтак ип ишлаб чиқариб, юзлаб тонна калава ипни тежаб қолганлигимизни съездга маълум қиламиз. Ёш тўқимачилар КПСС XXIII съезди шарафига бошланган меҳнат вахтасида катта-катта муваффақиятларга эришдилар. «Ваъда бердингми-устидан чиқ!» деган сўзларни биз шиор қилиб олганмиз.

Комсомол ноиши расмиятчилик ва андозачиликни ёқтирмайди. Комсомол ноиши жонли ва мароқли бўлиши лозим, деб таъкидлайди Хоразм область комсомол комитетининг биринчи секретари **Р. Авазжонова.**

Область комсомол ходимлари ўз вақтларининг кўп қисмини ёшлар орасида ўтказишга, ёшлар меҳнат қилаётган ва билим олаётган жойларда ўтказишга ҳаракат қилишмоқда. Кабинетларда ўтириб қолаётган, маълумотлар тўплаш ва телефон орқали иш юритишга берилиб кетаётган ўртоқлар танқид қилинмоқда. Ходимлар жойларда бўлишганида бошланғич комсомол ташкилотларининг аҳволидан хабар олсинлар, ёшлар билан суҳбатлашсинлар, ёшларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўргансинлар деб талаб қилмоқдамиз.

Бошланғич ташкилотнинг роли ва обрўсини тагин ҳам кўтариш керак. Бухоро область комсомол комитетининг биринчи секретари **С. Авазов** шу тўғрида гапирди. Район, шаҳар комсомол комитетлари ва область комсомол комитети асосий тарбиявий ишларни цех ва бригадалардаги ёшлар орасида олиб боришга интилмоқда.

Сурхондарё область комсомол комитетининг биринчи секретари **Х. Зокиров** ҳам комсомол ташкилотларига раҳбарлик қилиш масалаларига тўхталиб ўтди.

Комсомол аъзоси — ҳаммага намуна бўлиши лозим, — дейди Андижон область Ленин районидаги «Правда Востока» колхози комсомол комитетининг секретари **Э. Абдуллаев.**

Мактаблардаги комсомол ташкилотлари пухта ва чуқур билим учун олиб борилаётган курашга бош бўлишлари лозим. Республика маориф министрининг ўринбосари **И. Тўхтахўжаева** ўз нутқини шу темага бағишлади.

«Ёш гвардия» нашриётининг директори **С. Иўлдошев** сўз олади. Ёшлар нашриёти, дейди у, ҳар йили тўрт миллион нусхага яқин китоб чиқармоқда. Бу китобларни етакчи адиблар ва публицистлар билан бирга ёш ёзувчилар, шоирлар ва журналистларнинг катта отряди яратмоқда.

Нашриёт планларида илмий-оммабоп, ҳарбий ватанпарварлик ва динга қарши темалардаги китобларни кўпайтириш мўлжаллаб қўйилди.

Барча қишлоқ меҳнаткашларининг фикри-зикри **баҳорни шайланиб кутиб олишга қаратилган** Сирдарё область Киров район комсомол комитетининг секретари **Т. Б. Тезакбаев** район деҳқонлари кўкламги экишга тайёргарлик ишларини батамом тамомлаганликларини съездга маълум қилди.

Қорақалпоғистон АССР Мўйноқ районидаги «Памяти Ленина» балиқ овлаш колхозининг аъзоси **Т. Айтжонов** съездга оролнинг ёш балиқчиларидан қизғин салом топширди.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари **А. Х. Везиров** ўз нутқида республика комсомолининг биринчи галдаги вазифаларига тўхталиб ўтди.

Съездда КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** нутқ сўзлади.

Қабул қилинган резолюцияда съезд республика комсомоллари, барча йигит ва қизлари бундан буён ҳам коммунистларнинг энг ишончли ёрдамчилари бўлиб қолаверадилар, ўзларининг бутун кучлари, билимлари, ёшлик шижоати ва юрак ҳароратини улуғ Ленин ишига бағишлайдилар, деб жонажон Коммунистик партияни, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини, ВЛКСМ Марказий Комитетини тантанали равишда ишонтирди. (ЎзТАГ).

БЕШЙИЛЛИК МАРРАЛАРИ

КПСС XXIII СЪЕЗДИ ДИРЕКТИВАЛАРИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

В. И. Ленин номли Олтин топган кон-металлургия комбинати коллективи партиямиз XXIII съезди шарафига ўзаро социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирмоқда. Съезд Директивалари лойиҳаси бўйича комбинатни кенгайтириш кўзда тутилган. Ўтган йили корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 40 процентга ошган бўлса, беш йил давомида бу кўрсаткич тагин ҳам юқорига кўтарилади. Янги-янги цехлар, ишлаб чиқариш майдонлари қад кўтаради. Олмалиқ катта химия марказига айланиб қолади. Сурат да: Қалмоққир кони рудаси саралаш фабрикалари томон йўл олмоқда.

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

КАТТА РЕЖАЛАР

Мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳасида ишлаб чиқариш воситаларидан қ.ожи борича интенсив фойдаланиш лозимлиги алоҳида таъкидланади. Бу жуда тўғри. Чунки завод ва фабрикалардаги, қурилиш, транспорт ҳамда алоқа ташкилотларидаги турли-туман асбоб-ускуналар қувватидан унумли фойдаланилса мамлакатимиз экономикаси янада мустаҳкамланади, қудрати ошади, совет кишиларининг моддий фаровонлиги ва маданий турмуш шароити кескин яхшиланади.

Коллективимиз беш йиллик план юзасидан Директивалар лойиҳасини муҳокама қилар экан, бу планнинг ҳаётийлигига, илмий асосда ҳар томонлама ўйлаб тузилганлигига яна бир бор қаноат ҳосил қилди. Муҳокама давомида корхонамиз ишлаб чиқаришини янада юксалтиришга олиб келувчи мавжуд резервларни ишга солиш, илгари йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга қаратилган таклифлар тушмоқда.

Етти йиллик планнинг бажарилиш якунлари шуни кўрсатдики, корхонамизнинг бу юксалиш плани ҳартомонлама илмий асосда тузилмаган, унинг асосий кўрсаткичлари аниқ белгиланмаган экан. Ҳар бир цех учун етти йиллик плани тузилмаган эди. Шунинг учун ҳам инженер-техник ходимлар, мастерлар, цех бошлиқлари ва ишчиларнинг деярли ҳаммаси етти йил охиригача қандай марраларни эгаллаш, қандай кўрсаткичларга эришиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни қанча кўпайтиришни аниқ билмас эди.

Коллективимиз эндиликда бунинг олдини олишга ҳаракат қилмоқда. Шу туфайли янги беш йиллик планини тузишга катта эътибор берилмоқда. Чунки бу планнинг барча кўрсаткичлари илмий томондан асосланган бўлиши керак. Пала-партишликка, ўзибўларчиликка йўл қўйиб бўлмайди бундан буён. Ҳар бир ишчи, ҳар бир мастер ва цех бошлиғи ўз цехи, участкаси, умуман корхонанинг ривожланиш планини аниқ ва қатъий билиши талаб қилинади.

Янги беш йилликда ҳам корхонамиз газета ва журналлар босиб чиқаришга ихтисослашаберади. Газета ва журнал тайёрлаётган маҳсулотимизнинг энг асосий тури бўлиб қолади. Газеталар тиражи 26 процент ортади. Агар 1965 йилда умумий тиражи 250 миллион бўлган газета босиб чиқарилган бўлса, 1970 йилда у 304 миллионни ташкил этади. Марказий газеталар бу ҳисобга кирмайди. 1965 йилда газеталарнинг бир кунлик тиражи 1 миллион 106 минг донани ташкил этган бўлса, 1970 йилга келиб 1 миллион 405 минг донага етади. Журналлар босиб чиқариш ҳам анча ортади. Уларнинг йиллик тиражи 37 процент ортади.

Босмахонада ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулот ҳажми ҳам йилдан-йилга кўпайиб боради. 1965 йилда босмахона коллективи ҳаммаси бўлиб 2 миллион 750 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган эди. 1970 йилга келиб у 3 миллион 600 минг сўмликни ташкил этиши ёки 31 процент ортиши керак.

Натижада, корхонамиз ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг моддий манфаатдорликлари муттасил ортиб боради. Улар олаётган маош кўпаяди. Ишлаётган ҳар бир кишининг бир ойлик маоши 2,5 процент, ишчиники эса 6,3 процент ортади. Ишлаётган ҳар бир киши ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш 1965 йилдаги 2371 сўмлик ўрнига 2518 сўмга етади ёки 13 процент ортади. Ҳар бир ишчи ҳисобига эса 11 процент кўпаяди.

Биз ҳар бир сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинаётган харажатларни анча камайтиришни мўлжаллаяпмиз. Ўтган йили у 74,9 тийинни ташкил этган эди. Етти йилликнинг охирига бориб 73 тийинга тушади ёки 2,5 процентга камаяди. Босмахона олаётган жамғарма 36 процент кўпайиши назарда тутилади.

Янги беш йиллик давомида корхонани кенгайтириш юзасидан катта ҳажмда капитал қурилиш ишлари амалга оширилади. Чуқур босма цехи қурилиши кўзда тутилади. Цех 1968 йилда тўла ишга туширилади. Цехда «Работница», «Крестьянка», «Здоровье», шунингдек республикада чиқадиган «Ўзбекистон», «Гулхан», «Ўзбекистон хотин-қизлари», «Ўзбекистон социал таъминоти», «Фан ва турмуш» журналлари босилади.

Бундан ташқари, янги редакция корпуси, газета босиладиган 10 ролли агрегат қурилмаси бўлган ротация цехининг биноси қад кўтаради. Қатор маданий-маиший объектлар, уй-жойлар ҳам қурилади. Шу билан бирга мавжуд ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш давом этади. Линотип, ҳарф териш, ротация ва бошқа цехларнинг қуввати анча оширилади.

Коллектив олдида турган энг муҳим вазифаларнинг бири тайёрланаётган маҳсулот сифатини кескин яхшилашдан иборат. Айниқса, журнал ва китоблар босиб чиқариш сифатини қатъий оширишимиз талаб этилади. Тўғри, бу соҳада дуруст ютуқлар қўлга киритилган. Лекин давримиз талаблари даражасида бўлмаяпти. Шуни ҳисобга олиб маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан жуда кўп тадбирларни амалга ошириш мўлжаллаб қўйилди.

Меҳнат шароитини яхшилаш, ишни пухта ташкил этиш, ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш, меҳнатнинг тўла хавфсизлигини таъминлаш учун кураш бундан буён ҳам тўхтовсиз давом эттирилади. Асбоб-ускуналарни қулай жойлаштиришга эришилади. Иш жойларини рационал ёритиш, асбоб-ускуналарни кўзни толиқтирмайдиган рангга бўяш, цехларни қўқ-ламзорлаштириш ва коридорлар ичидаги ҳавони зарарли чанглардан тозалаш, ҳар доим нормал температура режими бўлишини таъминлаш учун зарур чоралар кўрилади.

Кадрларда гап кўп. Улар ўз ишларини қанчалик пухта билишса вазифалар шунчалик енгил бажарилади, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари орта беради. Ўтган етти йилликда ҳам инженер-техник ходимлар сафи янги мутахассислар ҳисобига анча кенгайди. Кўпгина ишчилар ва инженер-техник ходимларимиз ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда полиграфия техникуми ва институтини ўқиб тугатдилар. Ҳозир ҳам ўнлаб ходимларимиз техникум ва олий ўқув юртларида сиртдан ёки кечқурун ўқишмоқда. Биз бундан буён ҳам ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг малакасини ошириш, билим доирасини, сиёсий ва техникавий онгини кенгайтиришга ҳаракат қиламиз.

Беш йиллик планда экономика масалалари биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиб қолади. Корхонамизда ишлаб чиқаришни иқтисодий анализ қилиш юзасидан анча ишлар қилинди. Бунда, айниқса иқтисодий анализ бюроси коллективи жонбозлик кўрсатмоқда. Жамоатчилик асосида ишлаётган бюро аъзолари ишлаб чиқаришнинг кемтик жойларини бартараф этиш билан боғлиқ бўлган қатор масалаларни ҳал қилишди. Улар яқинда бўлиб ўтган республика иқтисодий анализ бюролари иши кўригида иккинчи ўринни олишга муваффақ бўлишди. Албатта биз фақатгина шу бюро фаолияти билан чекланиб қолмаймиз. Эндиликда ҳамма иқтисодий билимларни билиши керак. Шуни ҳисобга олиб, корхонада йиллик иқтисодий мактаб ташкил этишга қарор қилинди.

Жамғарма олиш ҳам тобора кўпайиб бораяпти. Фақатгина сўнгги тўрт йил ичида босмахона 180 минг сўмлик жамғарма тўплади. Албатта, бу чегара эмас. Беш йиллик ичида уни икки баравар ошириш ниятидамиз. Бунинг учун резерв ва имкониятлар бор. Айниқса қоғоз ва электр қувватини тежаб-тергаб сарфлаш йўли билан кўп маблағ тежаш мумкин. Электр энергияни тежаб қолинганлиги учун мукофот бериш йўлга қўйилади.

Коллективимиз зиммасига юклатилган вазифа жуда ҳам шарафли ва масъулиятлидир. Барча ишчиларимиз, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларимиз шуни яхши тушунган ҳолда меҳнат қилмоқдалар, янги-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Корхонани мамлакатимизнинг йирик ва илғор газета босиш корхонасига айлантиришга астойдил интилмоқдалар. Фидокорона меҳнат эса муносиб тақдирланмоқда. Коллективимиз СССР Министрлар Советининг Матбуот комитети корхоналари бўйича 1965 йил IV кварталидаги ўзаро мусобақасида учинчи ўринни ва учинчи даражали пул мукофотини олишга муяссар бўлди.

Ҳар бир ишчининг ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлиги бундан буён тўхтовсиз ортиб боради. Коллектив ютуқларига кўп ҳисса қўшган ишчилар шунга яраша рағбатлантирилади. Корхонада «Энг яхши ҳарф терувчи», «Энг яхши печатник», «Энг яхши муқовачи» деган шарафли ном бериш жорий қилинади. Ишлаб чиқариш илғорлари номи «Меҳнат шуҳрати дафтари»га ёзилади. Моддий ва маънавий рағбатлантиришни бир-бирига қўшиб олиб бориш шубҳасиз ўз самараларини беради. Бу эса олдимизда турган ҳар қандай вазифанинг муваффақиятли бажарилишини таъминлайди.

И. ШОҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бирлашган нашриёт директорининг ўринбосари.

БАЙРОҚДОР БЎЛИНМА

Тошкент темир йўл бўлинмаси коллективи партиямиз XXIII съездига муносиб тортиқлар билан келмоқда. Юк ташиш, ортиш ва туширишдаги ишлари муттасил кенгайтирилмоқда. Темирйўлчилар ўтган йилнинг тўртинчи кварталида ҳам жуда баракали меҳнат қилишган эди. Мамлакат темир йўл бўлинмалари ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақада юксак кўрсаткичларга эришишди. Квартал давомида пландагидан ташқари 58,6 минг тонна халқ хўжалиги юклари ташилди. Меҳнат унумдорлиги икки процент ортиб, вагонлар оборoти 3,3 процент тезлашди. Бунинг эвазига пландагидан ташқари 500 минг сўмликдан кўпроқ фойда олинди.

Ана шундай юксак натижаларга эришган Тошкент темир йўл бўлинмасига СССР Йўллар министрлиги ва темирйўлчилар касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди.

А. КОМИССАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

СИМЛАР ТЎЛА НУР ОҚАР

Юқори вольтли симлар бўйлаб оқиб келаётган электр энергиясини истеъмолчиларга бир меёрда етказиб бериш вазифаси зиммамизга юклатилган. Корхонамизга қарашли 40 дан ортиқ подстанция ҳозир жадал ишлаб турибди. Улар билан паст ва юқори кучланишдаги электр қувватлари бир хил кучланишга келтириб берилмоқда.

Яқинда корхонамизда каттагина ўзгариш рўй берди. 220 минг вольтли Қўйлиқ подстанциясида катта реконструкция ишлари ўтказилди. Эски аппарат янгиси билан алмаштирилди. Эски аппаратнинг ажралиш қуввати 2,5 миллион киловольт ампер бўлса, янги ўрнатилган аппаратнинг ажралиш қуввати 10 миллион киловольт ампердан иборатдир. Бу йирик аппаратни монтаж қилишда слесарлардан Евгений Пеньков, Рафаэль Нодиршин, Шоакбар Шомаҳмудов ўртоқлар айниқса катта ғайрат кўрсатишди. Назорат ва бошқарув участкаларидаги ишларнинг барчаси инженерлардан Лутфулла Орипов ва Дмитрий Пикалов ўртоқлар қўлидан чиқди. Юксак техник асосда автоматлаштирилган бу аппарат очиқ жойга ўрнатилган бўлиб узоқ масофадаги пультдан туриб ҳам бошқаришга қулайдир.

Бундан ташқари, шу кунгача Луначарский ва Ўзгариш кўчасида, Ҳамза станциясида ҳам янги подстанциялар қуриб битказилди. Уларнинг барчаси замонавий ускуналар билан қуроллантирилгандир. Янги подстанцияларнинг ишга туширилиши, эскиларининг реконструкция қилиниши натижасида ҳозир истеъмолчиларга нур етказиб бериш намунали тартибга келтирилган.

Янги беш йилликда корхонамиз қуввати тагин ҳам ошади. Собир Раҳимов, Ботаника кўчаларида, Қорақамиш массиви ва Комсомол майдонида ҳар бири 220 минг, 110 минг, 35 минг вольт кучланишга эга бўлган бир неча подстанциялар пайдо бўлади. Чилонзор районида юқори вольтли электр энергиясини узатувчи қўшимча аппаратлар ўрнатилади.

Шаҳримиз бағри йил сайин кенгайиб бормоқда. Янги турар-жой массивлари, завод ва фабрикалар қад кўтармоқда. Биз амалга ошираётган тадбирларнинг барчаси мана шу объектларда ўсиб бораётган эҳтиёжларни тўлароқ қондириш мақсадида қилинаяпти.

А. СОЛИХОВ,
Тошкент район электр тармоқлари корхонаси монтёри.

ЭЛ ДАСТУРХОНИ ТЎКИН БЎЛСИН!

АҲОЛИНИ ЙИЛ БЎЙИ САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАЙЛИК

ОБЛАСТЬ САБЗАВОТЧИЛАРИ КЕНГАШИГА

ТЕПЛИЦАЛАРНИ КЎПАЙТИРАМИЗ

КАЛИНИН РАЙОН ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ЎРТОҚ М. ТОЖИЕВ БИЛАН СУҲБАТ

Гап сабзавот етиштириши кўпайтириш, унинг ҳосилдорлигини ошириш тўғрисида борарди. Раис ҳар йили бу соҳадаги план ортиғи билан бажарилаётганлиги, илғор бригада ва звенолар йилдан-йилга кўплаб сабзавот ҳосили олаётганлиги тўғрисида мамнунлик билан сўзлар, бу йил ҳам ишлар чакки эмаслигини, эртаги сабзавот экиш асосан тугаллангалигини, ҳозирги пайтда парвариш ишлари қизитиб юборилганлигини таъкидлади.

— Сизларда теплица хўжалиги борми?

— Бор бўлганда қандоқ,— деб жавоб берди раис. Теплицада ҳар йили кўплаб бодринг, помидор етказамиз.

— Таннарх қандай бўлаяпти?

Бу саволдан раис анча ноқулай аҳволга тушиб қолади.

— Энди ўзингиздан қолар гап йўқ,— дейди у,— яхшиси теплица бор, денг-у, таннархини, қанча ҳосил олинишини ёзмай қўяқолинг...

Бу суҳбат қайси колхозда бўлиб ўтганлигини атайлаб ёзмадик. Негаки, кўпгина теплица хўжаликларида махсулот таннархи нихоятда баланд бўлмоқда.

Мана, беш йилликнинг дастлабки йили баҳори бошланди. Сабзавоткорлар даласида ҳар қачонгидан ҳам иш қизғин. Асосий майдонларга эртаги сабзавот экинлари деярли экиб бўлинди. Сабзавотчиларнинг бу йилги режалари қандай? Улар янги беш йилликда қандай марраларни мўлжаллашмоқда? Аҳолини қишин-ёзин янги узиб олинган сабзавот билан таъминлаш тўғрисида қандай режалар амалга оширилди?

Бу саволларга жавоб олиш мақсадида Калинин район ижроия коммитетининг раиси Маҳмуд Тожиев билан суҳбатлашдик. Унга бир колхоз раиси билан юқоридаги мазмунда бўлиб ўтган савол-жавобни эслатдик.

— Тўғри,— деди ўртоқ Тожиев.— Ҳақиқатан ҳам биз аҳолига қишин-ёзин сабзавот етказиб бериш соҳасида ҳали кўп иш қилишимиз керак. Нега деганингизда халқимизнинг ана шу маҳсулотларга бўлган талаби ва эҳтиёжи кун сайин ўсиб бораяпти. Колхозлардаги мавжуд теплица хўжаликлари эса бундан бир неча йил илгарилари қурилган бўлиб, нихолтда кичкиналик қилиб қолди, ҳозирги талабга сира ҳам жавоб бермайди. Етиштириладиган ҳар килограмм сабзавотнинг таннархи 2,5—3 сўмданга тушмоқда. Эндиликда бундай теплицалар билан узоққа бориб бўлмайди.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Советининг эълон қилинган қарорида бу камчиликлар жуда тўғри кўрсатиб ўтилди. Районимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу қарорга жавобан кўплаб сабзавот етиштиришга бел боғладилар. Жумладан, бу йил давлатга 72 минг 270 тонна сабзавот, 22 минг 450 тонна картошка, 16 минг 80 тонна қовун-тарвуз сотишга аҳд қилдик.

Беш йилликнинг охирига бориб давлатга ана шу хилдаги сабзавот маҳсулотлари сотиш кескин кўпаяди.

Лекин бизнинг олдимизда яна бир муҳим вазифа турибди. У ҳам бўлса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг қарорида айтилганидек, аҳолига мўл-кўл мева, сабзавот етиштириб бериш учун теплица комбинатларини кенгайтиришдир.

Биз 1966—1970 йилларда колхоз ва совхозларда теплицалар ва ниҳолтлар жойлари қуришни, шунингдек сунъий нур сочиб турадиган манбалар остида сабзавот етиштиришни ташкил этишни планлаштириб қўйдик. Ҳаммаси бўлиб, 20 гектарга яқин майдонда теплица комбинатлари вужудга келтирилади. Янги теплицаларни қуриш пайтида табиий газ ва ишлатилган буғ ҳамда саноат корхоналарининг иссиқлик энергиясидан фойдаланиш кўзда тутилади.

Кўриниб турибдики, районимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари улкан ишга бел боғлашди. Айтиш керакки, бу вазифани колхоз ва совхозларнинг кучи билангина бажариб бўлмайди. Демоқчиманки, биз шаҳар меҳнаткашлари, саноат корхоналарида филокорона меҳнат қилаётган биродарларимизнинг манфаатини кўзлаб ана шу ишга қўл урар эканмиз, уларнинг ҳамкорлиги ҳам керак бўлади. Теплица хўжаликларини қуришда катта-катта корхона ва заводлар колхозларга оталик ёрдами кўрсатсалар яхши бўларди. Ахир қарс икки қўлдан чиқади-да! Ана шунда беш йилликнинг охирига бориб кам деганда 20 гектар майдонда янги замонавий типдаги теплицалар вужудга келади. Бу теплицалар ишга туширилгач, қиш кунларида ҳам аҳолига янгигина узиб олинган помидор, бодринг сингари сабзавот экинлари ҳосили етказиб бериш вазифасини бир қадар ҳал қилган бўламиз.

Бундай теплицалар биринчи навбатда «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги», С. Рахимов, Карл Маркс номли колхозлар, «Партия XXI съезди», «Корасув» совхозлари территориясида қурилади.

Яхши режа, яхши ниятларни амалга ошириш учун район партия комитети, район ижроия комитети, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳозирданоқ баъзи тадбирларни кўрмоқдалар. Шубҳа йўқки, бу хайрли иш охирига етказилади. Аҳолини йил бўйи янги сабзавот, мева билан таъминлаш имконияти яратилади.

Н. РИХСИЕВ.

САБЗАВОТЧИЛИК ВА МЕХАНИЗАЦИЯ

Сўнгги вақтларга қадар «дала ишларини механизация л а ш т и р и ш» дейилганда кўпчиликнинг кўз ўнгида пахтачиликдаги ишлар гавдаланарди. Ҳақиқатан ҳам пахтакорларимиз ўз ишларини машиналар зиммасига юклаш борасида каттакатта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Лекин фақат пахтачиликнигина эмас, деҳқончиликнинг бошқа тармоқларини, жумладан сабзавотчиликни ҳам комплекс механизациялаштириш учун катта имкониятлар мавжуд. Ҳамма гап ана шу имкониятларни ишга солишда қолган.

Баъзи бир ўртоқлар «дала ишларини механизациялаштириш» деганда пахтачиликнинг йўриғи бошқа, сабзавотчиликда бу жуда қийин масала» дейишади. Бу гап нотўғри, албатта. Илғорларнинг тажрибаси шуни яққол кўрсатиб турибдики, сабзавотчиликдаги ишларни ҳам худди пахтачиликдаги каби комплекс механизациялаштириш мумкин. Бундай қилиш сабзавоткорлар н и н г бурчи ҳамдир.

Кўпгина хўжаликларда карам, помидор, сабзи, пиёзлар қўлда экилади. Натижада бу ишга кўп маблағлар сарфланади. Парникда етиштирилган тайёр кўчатнинг 30 минг тупини далага ташиб келтиришнинг ўзига 2 сўм 15 тийин пул кетади. Уларни ариқ ичига ташлаб кетиш учун ҳам шунча пул, тўғрилаб экиш учун ҳам шунча пул сарфланади. Хуллас, бир гектар ерга кўчат келтириб ўтказиш учун қарийб 35 сўм пул сарф бўлади.

Ҳамма харажатлар ҳисоблаб чиқилганида бир гектар ерга етадиган помидор кўчати етиштириш учун 70 сўм пул сарфланади. Бизнинг комплекс механизациялашган звеномизда эса ҳар бир гектар ерга экилган 28—32 минг тўп помидор кўчати учун атиги 28 сўм сарфланяпти.

— Қандай қилиб?— деб сўрашингиз мумкин.

Биз бунга шунинг учун ҳам эришаяпмизки, звеномизда сабзавотчилик ишларини комплекс механизациялаштиришга жиддий эътибор билан қараляпти. Ўтган йили биз биринчи мартдан бошлаб помидор уруғларини Т—28Х тракторига ўрнатилган СОН-2,8 маркали экиш агрегати билан яхши молаланган ерга сепа бошладик. Тайёргарлик ишлари ва экиш намунали ташкил этилганлиги туфайли эртаги экинимиз барвақт авж ола бошлади. Апрель ойининг охирига келиб сепган уруғларимиз ер юзасини майсадек қоплаб, чопиққа келиб қолди. Шундан кейин чопиқ тракторларимизни ишга солиб, экинни ҳам узунасига, ҳам кўндалангига культивация қилабошладик. Майдонларимизда 90Х 60 сантиметр схемасидаги яшил квадратлар пайдо бўлди.

Механизация туфайли помидор чопиғи анча енгиллашди. Ерларимиз сизот сувларига бой бўлганлиги туфайли экинни фақат икки мартагина суғордик. Экин экишдан олдин ҳар гектар ерга 5—6 тоннадан калий, суперфосфат, азот ва маҳаллий ўғит аралашмасини с о л г а н эдик. Бу ҳосилнинг мўл бўлишига олиб келди. Ҳосил терими даврида шиғил-шиғил етишган помидорлар бизни шошириб қўйди.

Шундай қилиб, ўтган йили звеномиз сабзавоткорлари ҳар гектар ердаги помидордан пландаги 22 тонна ўрнига 36 тоннадан ҳосил олишга муваффақ бўлдилар. Бир центнер помидорнинг таннархи 4 сўм 52 тийин ўрнига 2 сўм 20 тийинга тушириди. Звеномиз фақат помидорнинг ўзидан 12 минг 402 сўм ўрнига 22 минг 244 сўм даромад қилди. Жами даромадимиз эса 25,3 минг сўмдан ошиб кетди.

Мана, улуғвор беш йилликни ҳам бошлаб юбордик. Бу шонли даврнинг дастлабки йилида сабзавоткорларимиз гектар бошига 40 тоннадан помидор, 25 тоннадан лавлаги, 25 тоннадан карам ҳосили етиштириш мажбуриятини олдилар.

Ишончимиз комилки, сабзавотчиликни комплекс механизациялаштириш йўлидан дадил қадамлар ташлаб бораётган звеномиз деҳқонлари бу йил ҳар қачонгидан ҳам катта зафарларга эришадилар.

К. ТУРДИБОЕВА,
«Қорасув» совхози комплекс механизациялашган сабзавотчилик звеносининг бошлиғи.

Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхози деҳқонлари қўклам экиш кампаниясини қизғин бошлаб юбордилар. Суратларда: (чапда) пленка остида етиштирилаётган бодринг ниҳоллари парвариш қилинмоқда. Ўнгда эса парник хўжалигининг миришкорлари Адолат Норхўжаева, Матлуба Расулева ўртоқлар помидор кўчатларини расад қилмоқдалар.

А. Абалян фотолари.

ЮКСАЛИШ САРИ

Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхози аъзолари шу кунларда янада зўр ғайрат кўрсатиб ишлашяпти. Пахтакорлар, сабзавотчилар, чорвадорлар ўртасида КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақа кенг авж олган. Ҳар бир киши съезддаги вахтасида туриб ишлаб, кўпроқ маҳсулот етиштиришга ҳаракат қилмоқда. Об-ҳавонинг нулай кунларидан фойдаланган колхозчилар қисқа вақт ичида 25 гектар ерга картошка, 60 гектар ерга пиёз, 15 гектар ерга эртаги карам экиб қўйдилар. Колхозда чигит экишга тайёргарлик кўриш ишлари ҳам қизғин тус олган. Кўпгина звенолар ерларни текислаб экишга шайланиб турибдилар. Ўғит чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш ҳам авж олдириб юборилди.

Соғин сигирлардан сут соғиб олиш кундан-кунга кўпаймоқда. Чорвадорларнинг баранали меҳнат қилишлари туфайли давлатга гўшт сотиш юзасидан берилган беш йилликнинг дастлабки йилидаги топшириқ ҳозирнинг ўзидаёқ ошириб бажарилди. Давлатга 45,5 тонна семиз гўшт етказиб берилди. Чорвадорлар эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаб, янги марраларни қўлга киритиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Улар съезд очиладиган кунга қадар квартал планидан ташқари 20 тонна серқаймоқ сут етиштириб беришга аҳд қилдилар.

Шу райондаги «Правда» колхози меҳнаткашларининг эришаётган ютуқлари ҳам салмоқли. Чорвадорлар гўшт сотиш юзасидан берилган йиллик планни муваффақиятли бажардилар. Бўрдоқичилар, сут соғувчилар ўзларига бириктирилган молларни меҳр билан парвариш қилиб яхши кўрсаткичларга эришяптилар.

И. РУСТАМОВ.

«Коммунизм тонги» газетасининг ходими.

БЕКОБОДЛИКЛАР АҲДИ

Бекободлик деҳқонлар икки йилдан бери давлатга пахта сотиш планини ортиғи билан бажармоқдалар. Гектаридан 30-35 центнердан ошириб хирмон кўтараётган комплекс механизациялашган бригадалар, звенолар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Лекин ана шу деҳқонлар нима учун дастурхонимиз нозинеъмати бўлган сабзавотчилик соҳасига етарли эътибор бермай келяптилар?

Ҳамма гап шундаки, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари фақат бир томонлама иш тутиб, меҳнаткашларнинг сабзавот маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш ишига бефарқ қарамоқдалар. Ер етарли, техника тайёр. Ана шу ерлардан тўла фойдаланиш, унинг ҳосилдорлигини ошириш йўлида зарур тадбирлар амалга оширилмайди. Сабзавотчиликка иккинчи даражали иш деб қаралади. Фикримизнинг исботи учун яқин икки-уч йил ичида гектаридан олинаётган картошка, қовун-тарвуз, сабзавот маҳсулотлари чўғини торозига қўйиб кўрайлик.

1964 йилда планда белгиланган 30 минг ўрнига бор-йўғи 8084 тонна, ўтган йили эса 29 минг ўрнига 9874 тонна сабзавот ҳосили олинди. Полиз экинлари маҳсулотлари етиштириш соҳасида ҳам кўнгилдаги натижага эришилмади. Гектаридан бор-йўғи 6,5 тоннадан қовун-тарвуз олинди.

Райондаги Навоий номли, «Победа», «Коммунизм», Дзержинский номли колхозларнинг раҳбарлари ана шу ҳақда ўйлаб кўргенмикинлар. Бу колхозларда ўтган йили экилган картошка, қовун-тарвуз, помидор, карам экинлари сувга ўз вақтида қондирилмади. Чопиқ ва культивация ишлари қўл учида, сифатсиз ўтказилди. Минерал ва маҳаллий ўғитларга тўйдирилмаган ўсимликлар мўлжалдаги ҳосилни тўплай олмади, баракасиз хирмон кўтарилганлигининг асосий сабаблари ана шулар.

Бекобод сабзавоткорлари илгариги йилларда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиб, аҳолига мўл-кўл ва арзон картошка, қовун-тарвуз, помидор, карам, сабзи пиёз, нозинеъматлар етиштириб бериш йўлида дастлабки зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар. Улар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг сабзавот маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, унинг таннархини арзонлаштириш тўғрисида чиқарган қарорига амалий иш билан жавоб беришга ҳаракат қилмоқдалар.

Дастлаб шуни айтиш керакки, колхоз ва совхозларда картошка ва сабзавот етиштириш учун унумдор ерлар ажратилди. Бу соҳада бой тажриба орттирган, шу касбга меҳр қўйган кишилар бригада ва звенолларга бошлиқ этиб тайинланди. «Победа» колхозидан М. Очилов, Навоий номли колхозидан А. Аллаев, Х. Уришбоев, Х. Тўйчиев, Дзержинский номли колхозидан Я. Мухамедов, Ленин номли колхозидан В. Лим, Х. Усмонов, «Коммунизм» колхозидан Н. Турсунматов, 1-«Дальварзин» совхозидан А. Мавлонов, В. Муротов ўртоқлар каби ўнлаб меҳнатсевар кишилар сабзавотчиликни ривожлантириш учун курашга бел боғладилар.

Уларнинг кўпчилиги партия аъзолари. техникага, янгиликка ихлос қўйган кишилар.

Далаларда шу кечаю-кундузда бороналаш, эртаги экинларга жўяк олиш, карам кўчатлари ўтказиш, картошка экиш ишлари қучайтириб юборилган.

Бекободлик сабзавоткорлар беш йилликнинг биринчи йилида гектаридан 90 центнердан картошка, салкам 20 тоннадан карам, 10 тоннадан пиёз, 18 тоннадан помидор ва қарийб 20 тоннадан қовун-тарвуз маҳсулотлари етиштириш мажбуриятини олганлар. Улар бу ахдларининг уддасидан чиқиш, сабзавотчиликдан ҳам баракали хирмон кўтариш учун кураш бошлаб юборганлар.

В. УЛМАСБОЕВ,
Бекобод район партия комитетининг ходими.

ЛЕНИН НОМЛИ КОЛХОЗДА

Бугун Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхознинг парник хўжалигида ҳам, поёнсиз далаларида ҳам иш қизғин. Эртанги экиниларни барвақт ва сифатли экиб бўлиш йўлида зарур тадбирлар амалга оширилмоқда. Карам кўчатлари ўтказиляпти. Соз тайёрланган ерларга пешма-пеш картошка экиляпти. Сиз суратда (чапдан) миришкор деҳқон Н. Зокиров, колхоз агрономи У. Самиғов ва парник хўжалигининг тажрибали деҳқонларидан М. Азизов ўртоқларни кўчат учун карам ниҳолларини саралаётган пайтини кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

МИРИШКОРЛАР ДАЛАСИДА

ПАРНИКДА ЁЗ

Парник хўжалиги ҳар куни кишилар билан гавжум. Меҳнат авжида. Ўраларни тупроқ аралаш гўнг билан тўлдираётган, уруғ сепаётган, барра ўсимликларга ҳаёт сувини бераётган бу ердаги ҳар бир кишининг яхши нияти бор. кўчатларимиз соғлом, дуркин ўссин, деҳқонларга баракали ҳосил берадиган бўлсин, дейишади. Шу мақсадда ҳар туп ниҳолни меҳр билан парвариш қилишади. Дастлабки карам кўчатлари ҳозир экин майдонларида ўстирилаяпти. 200 ўрага сепилган помидор уруғи текис ундириб олиниб, ҳозир расад қилинмоқда.

НИҲОЛЛАР ГУРКИРАМОҚДА

Совхознинг ўртоқ Ўроз Ойсариев бошлиқ звеноси аъзолари 12 гектар ердан 2400 центнер карам ҳосили олишга аҳд қилишган. Ҳозиргача 9 гектар ерга бўлиқ кўчат ўтказилди. Айрим карталарда биринчи парвариш бошлаб юборилди. Соз парвариш қилинаётган ниҳоллар гуркирамоқда.

КАРТОШКА НИШ УРМОҚЧИ

Далаларда бўлсангиз, механизатор ўртоқ Пардабой Ризқуловнинг ўз агрегати рулини моҳирлик билан бошқараётганлигини кўрасиз. У ҳар куни 4-5 гектардан ерга картошка уруғи ташлаяпти. Ҳозиргача картошка экилган ер 15 гектарга етди. Дастлаб ерга тушган уруғ ниш уришга ҳаракат қилмоқда.

ЕР ТЎИДИРИЛЯПТИ

Сабзавот экинлари ҳосилини ошираман, деган деҳқон даставвал ерни тўйдириши керак. Ўртоқ Маҳкам Назаров бошлиқ бригада аъзолари ана шунга амал қилишмоқда. Бу бригадада гектаридан 20 тоннадан ошириб помидор ҳосили етиштириш мажбурияти олинган. Шу мақсад билан улар 400 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит жамғариб далага тўкдилар.

Б. РАҲМОНОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

БЕШЙИЛЛИКНИНГ БИРИНЧИ ЙИЛИДА:

Колхозларда ва давлат хўжаликларида сабзавот етиштиришни 173 минг 300 тоннага, картошкани 87 минг 900 тоннага, полиз экинлари маҳсулотини 69 минг 100 тоннага, мевани 24 минг тоннага ва узумни 36 минг 300 тоннага етказамиз. Барча категориядаги хўжаликлар бўйича давлатга 152 минг 200 тонна сабзавот, 33 минг 300 тонна картошка, 54 минг 300 тонна полиз экинлари маҳсулоти, 13 минг 300 тонна мева ва 31 минг 200 тонна узум сотамиз.

ФРАНЦУЗ ПРОЛЕТАРИАТИНИНГ ЖАСОРАТИ

ПАРИЖ КОММУНАСИНИНГ 95 ЙИЛЛИГИ

Бундан 95 йил муқаддам ишчилар синфининг дунёда биринчи ҳокимияти — Париж Коммунаси, унинг ижодкори — француз пролетариатининг ана шу сўнмас жасорати халқаро ишчилар ҳаракати тарихи саҳифаларидан муҳим ўрин олади.

1871 йил 18 март куни Париж пролетариати, унинг Миллий гвардияси Тьернинг контрреволюцион фитнасини фош қилиб, Монмартр, Бельвия, Сент-Антуан, Батуньол тепаликларида версалчилар армиясига қақшатгич зарба берди. Улар буржуа ҳокимиятини агдариб, кишилик жамияти тарихида биринчи марта пролетариат диктатураси — Коммуна ўрнатишга муваффақ бўлдилар. Шу куни шаҳар тепасида Коммунанинг ол байроғи ҳилпирай бошлади.

Париж Коммунаси 72 кун умр кўрди. Лекин унинг тарихий тажрибаси ғоят катта аҳамиятга эга бўлди. Коммунанинг улуғвор хизмати шундаки, у буржуа давлат машинасини синдириб, тарихда биринчи бўлиб янги типдаги пролетариат диктатурасини ўрнатди.

1871 йил 18 мартда пролетариат ғалаба қозонганидан кейин 26 март куни шаҳар бошқармасида сайлов ўтказилди. Унда 230 минг киши қатнашди. 28 марта эса тантанали равишда Коммуна эълон қилинди. Париж Коммунасининг 85 аъзоси орасида 30 дан ориқ ишчи ва 50 дан ортиқ майда ҳунарманд, ҳизматчи ҳамда революцион интеллигенция вакиллари бор эди. Коммуна составига ишчилар ҳаракатининг кўзга кўринган арбоблари, касаба союзлари ва Интернационал секциясининг раҳбарлари кирган эди.

Пролетариатнинг буюк доҳийлари К. Маркс ва Ф. Энгельс Париж пролетариатининг бу кўзғолонини зўр қувонч билан табриклаб, улар Коммунани ҳимоя қилиш бутун мамлакат ишчиларининг муҳим интернационал бурчи, деб ҳисобладилар. К. Маркс коммунарларга сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий характерга эга бўлган маслаҳатлар бериб турар эди. Марксга Коммуна билан алоқа ўрнатишда рус революционери Елизавета Дмитриева (Томановская) катта ёрдам кўрсатди.

Париж Коммунаси давлат қурилишида муҳим тадбирларни амалга оширди. Ҳукмрон синфлар қўлида кўр-кўрона қурол бўлиб келган армия ўрнига доимий халқ армияси тузилди, жандармерия бутунлай тарқатилди, давлат аппаратлари қисқартирилди, черков давлатдан бутунлай ажратилди.

Париж Коммунаси ишчи ва хизматчилар манфаатини кўзлаб, оз ҳақ оладиган меҳнаткашлар маошини оширди, айрим корхоналарда ишлаб чиқариш устидан ишчилар контролини ўрнатди, Парижни ташлаб қочиб кетган капиталистларнинг барча саноат корхоналарини ишчилар қўлига бериш тўғрисида декрет чиқарди. Бу социалистик қайта қуришнинг дастлабки намунаси эди.

Париж Коммунаси «Париж ишчилари» имзоси билан деҳқонларга қарата мурожаатнома қабул қилиб, унда: «Париж ерлари деҳқонларники, меҳнат куроллари ишчиларники бўлишини, ҳаммага иш берилишини истайди»,— дейилган эди. Бу прокламация ҳаво шарларидан қишлоқлар устига ташланди.

Париж Коммунаси халқ маорифига ҳам катта эътибор берди. 1871 йил 28 апрелда бошланғич ва профессионал мактаб ўқитувчиларини ташкил этиш учун комиссия тузилади. Бундан ташқари, эркин университетлар ташкил этиш учун тузилган комиссиялар студентларга эркин ўқиш ва имтиҳон топшириш ҳуқуқларини ҳам берди. Шу тарика Коммуна маданий ҳаётга ҳам жуда катте таъсир кўрсатди.

Коммуна ўз ишида касаба союзлар, хотин-қизлар ҳамда ёшлар ташкилотларига таянган ҳолда иш олиб борди. У барча аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш ва чайқовчиликка йўл қўймасликка алоҳида эътибор берди. Париждаги кўпгина ҳашаматли бинолар — медицина мактаби, «Мольер» ва «Серефим» театри заллари, шунингдек 20 та черков биноси халқ клубларига айлантирилди. улардан фойдаланиш бепул қилиб қўйилди.

Бироқ Коммуна ўзи чиқарган декретларнинг ҳаммасини турмушга татбиқ этишга муваффақ бўлолмади. Реакциянинг авж олиши, кучлар нисбатининг тенг бўлмаслиги натижасида у мағлубиятга учради. Лекин ишчилар синфининг бутун дунёда олиб борган курашига Коммуна ғоят катта таъсир кўрсатди. «Коммуна Европада социалистик ҳаракатни қўзғатиб юборди, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — у гражданлар урушининг кучини кўрсатди... Коммуна Европа пролетариатини социалистик революция вазифаларини конкрет тарзда қўйишга ўргатди».

Европанинг турли мамлакатларидаги революция арбоблари Коммуна томонига ўтдилар, рус революционерлари ҳам унинг ишида актив қатнашдилар. Париж Коммунаси арбоблариданЛуи Варлен, Лео Франкель ва Луиза Мишель, поляк Ярослав Домбровский, рус аёллари Елизавета Дмитриева, Анна Пустовойтова, Анна Корвин-Круковскаялар Коммунанинг ана шундай қаҳрамон курашчиларидан эди.

Коммунанинг тарихий тажрибаси — инсоният тарихида янги даврни очиб берган Улуғ Октябрь социалистик революциясини тайёрлашда ғоят катта аҳамиятга эга бўлди. Париж Коммунаси давлатимизнинг тимсоли эди. Совет давлати Париж Коммунаси сингари пролетариат диктатурасининг янада ривожлантирилган ва конкретлаштирилган давлат формасидир.

Коммуна курашчиларининг ҳотирасини фақат француз ишчиларигина эмас, балки бутун дунё пролетариати доимо чуқур ҳурмат ва ҳаяжон билан эсга оладилар. Коммуна қандайдир маҳаллий тор миллий вазифа учун эмас, балки бутун меҳнаткаш инсониятни озод қилиш учун курашган эди.

Париж Коммунаси пролетариатга революцион йўл билан ҳокимиятни эгаллаш йўлида катта амалий тажриба бўлиб хизмат қилди. У мағлубиятга учраганлигига қарамай, илмий коммунизмнинг назарий хулосалари тўғри эканлигини таъкидлади, революцион ишчилар ҳаракати ғоят катта куч эканлигини бутун жаҳонга намойиш қилди.

Париж Коммунаси бошлаган иш қудратли социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари муваффақиятларида, жаҳон коммунистик ҳаракати ғалабаларида абадий яшаб келмоқда. Тарих Ленининг Коммуна иши ўлмас ишдир, деган сўзлари ҳаққоний эканлигини тўла тасдиқлади.

У. ЭГАМОВ,
ТошДУ КПСС тарихи кафедрасининг ўқитувчиси.

УЛУҒБЕК ЖАМОЛИ

Оржоникидзе районидаги Улуғбек посёлкаси кўркам ва обод шаҳар тусини олмоқда. Бу ерда яшовчи меҳнаткашлар учун кўплаб маданий-маиший хизмат корхоналари, савдо тармоқлари қуриб берилмоқда. Суратда: (ўнгда). посёлкада қад кўтарган янги универсал магазинни кўриб турибсиз. Магазинда газмоллар, пойафзаллар, тайёр кийимлар, мебель ва уй рўзғор буюмлари билан савдо қилинади. Чапдаги сурат эса посёлкада янги фойдаланишга топширилган «Роҳат» ресторанида олинган. Бу ерда кондитер цехи ҳам ишлаб турибди. Цех ҳар хил тортлар, булочкалар, рулетлар тайёрлайди.

ЯНГИ МАРШРУТ

Пойтахт аҳолисига транспорт хизматини яхшилаш мақсадида яна бир автобус маршрути очилди. Охунбобоев майдонидан чиққан 46-маршрутли автобус Навоий проспекти, Лоҳутий ва Ленин кўчалари орқали, Марказий универмагга, сўнгра Шота Руставели ва Заводская кўчасидан корбурунд заводига боради.

Б. ОРИФХУЖАЕВ,
Ҳ. САИДАЛИЕВ.

И. Душкин фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ СЕН БИЛАН БИРГА, ВЬЕТНАМ!

БОЛГАРИЯ

Болгария тинчликни ҳимоя қилиш Миллий Комитети Вьетнам халқи билан бирдамлик ҳафталиги муносабати билан Вьетнам Демократик Республикасига телеграмма йўллади. Телеграммада Вьетнам Демократик Республикасига нисбатан қардошларча бирдамлик ва ҳайриҳоҳлик туйғулари изҳор қилинади. Биз ишонамизки, дейилади телеграммада, бутун прогрессив инсоният томонидан қўллаб-қувватланаётган Вьетнам халқи ғалаба қозонади ва Ҳиндихитойда тинчлик тантана қилади.

Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтига юборилган телеграммада озодлик армияси Америка агрессорларига қарши олиб бораётган адолатли нураш ғалаба қилажагига ишонч билдирилади.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ

Халқаро студентлар союзи Прагада бўлиб ўтган матбуот конференциясида баёнот эълон қилди. Баёнотда Американинг Вьетнамда амалга ошираётган жиноятларига қарши қатъий норозилик билдирилади ва халқаро студентлар союзига кирувчи ташкилотлар Жанубий Вьетнам халқи олиб бораётган курашни қўллаб-қувватлашга чақирилади.

БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ

Бирлашган Араб Республикаси тинчлик тарафдорларининг Миллий Кенгаши Вьетнам халқи билан бирдамлик ҳафталиги муносабати билан эълон қилган баёнотида бутун дунё халқларини Американинг Вьетнамдаги агрессиясига қарши курашда ўз сафларини жипслаштиришга чақирди. «Вьетнам халқи билан бирдамлик ҳафталиги ўтказилаётганлиги,— дейилади баёнотда,— уч қитъа халқларининг, жаҳондаги барча тинчликсевар халқларнинг АҚШ ҳукуматини Вьетнам проблемасини 1954 йилги Женева битимларига мувофиқ ҳал этишга мажбур қилиш учун бирлик ва жипслашишга бўлган хоҳиш-иродасини ифодалайди».

ЛИВАН

Ливан прогрессив жамоатчилиги Вьетнам халқи билан бирдамлик ҳафталигини нишонламоқда. Ливан меҳнаткашларининг «Аннидо» газетаси шу кунларда мамлакатнинг кенг халқ оммаси ўзининг Америка агрессорларига қарши курашаётган мард Вьетнам халқини тўла қўллаб-қувватлаётганлигини яна билдирмоқда.

«Алаҳбор» газетаси ҳам Вьетнам халқи билан бирдамлик халқаро ҳафталигига бағишланган материалларни босиб чиқарди.

ШВЕЦИЯ

Швеция прогрессив жамоатчилиги Вьетнам халқи олиб бораётган адолатли нурашни қўллаб-қувватламоқда. Мамлакатнинг шаҳар ва қишлоқ жойларида вьетнам халқи билан бирдамлик комитетлари тузилмоқда. Курашаётган Вьетнам халқига ёрдам кўрсатиш учун ана шу комитетларнинг ташаббуси билан маблағ тўплаш тадбирлари ўтказилмоқда.

Лунд университети ҳузуридаги бирдамлик комитети шаҳарнинг «Академик жамияти» ҳузурида картиналар билан савдо қиладиган бадиий виставкани ташкил этди. Тўпланган маблағлар Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронти фондига топширилди.

„АЖОЙИБ СОВЕТ БАЛЕТ МАКТАБИНИНГ ТИМСОЛИ"

ҚОҲИРА, 16 март. (ТАСС). Миср пойтахтида Алишер Навоий номли Тошкент давлат академик опера ва балет театрининг гастроллари зўр муваффақият билан ўтмоқда. Гастроль композитор Фейгининг «Дон Жуан» спектакли билан бошланди. Зални тўлдирган томошабинлар ўзбек артистлари ва балет постановкачилари — театр директори Ҳ. Раҳмонов, бош дирижер Б. Иноятов, СССР халқ артисти Г. Изманлова, Ўзбекистон ССР халқ артисти Б. Қориева, артист В. Р. Васильев ва бошқаларни қизғин табриклади.

Тошкент труппасининг бошқа спектакллари — композитор Бровчининг ўзбек миллий балети «Семург», Чайковскийнинг бир пардали «Франческо», композитор Равелнинг «Болеро» бир пардали балетлари ҳамда спектакллар орасидаги айрим рақслар ҳам зўр муваффақият билан ўтди. Спектаклларда Қоҳира театр ва адабий жамоатчилигининг жуда кўп вакиллари, чет эл дипломатлари, Бирлашган Араб Республикаси маданият министрлигининг ходимлари, журналистлар ҳозир бўлишди.

Миср матбуоти ўзбек театрининг Бирлашган Араб Республикасидаги гастроллари тўғрисида жуда кўп мақола ва хабарлар босиб чиқармоқда. Биз деб ёзди газеталарнинг бири,— ўзимизнинг Қоҳира опера театри саҳнасида давлат большой театрнинг труппаларини икки марта кўрдик, ажойиб совет раққосалари — Уланова, Плисецкая, Лепишинскаяларнинг ижоди билан танишдик. Биз Киров номидаги Ленинград театрининг балет программасига, театр юлдузлари — Дудинская, Колпакова, Сергеевларнинг маҳоратига таҳсинлар айтдик. Унчалик машҳур бўлмаса ҳам, лекин ўзининг бадиий маҳорати жиҳатидан ажойиб бўлган Новосибирск театри ҳам ўз директори Павлов раҳбарлигида бизнинг мамлакатимизга келиб гастроль берди. Қоҳира томошабинлари неча марталаб мамлакатимизга келган совет хореография ансамбларини олқишладилар.

Бугун биз кекса ўзбек театри — Алишер Навоий номли Тошкент театрининг гастролларини ҳузур қилиб томоша қилмоқдамиз, унинг постановкалари — «Дон Жуан», «Оққуш кўли» ва бошқалар билан танишмоқдамиз. Балетмейстер Кузнецовнинг, Донна Анна ва Хуана ролларини ижро этган ўзбек раққосалари Қориева билан Изманлованинг, афсонавий Дон Жуан ролини ижро этган Васильев ва бошқаларнинг бадиий маҳоратя бизни мафтун этди. Балетдаги музика, рақслар, кийимлар, декорациялар — ҳаммаси гўзал. Ўзбек артистларининг спектакллари, деб ёзади шировардида мақола автори, ажойиб совет балет мактабининг ёркин тимсолидир.

ҚАРДОШЛАРЧА БИРДАМЛИК

Вьетнамлик азиз биродарлар, биз сизлар билан биргамиз! Бу сўзлар Ўзбекистон пойтахти жамоатчилиги вакилларининг курашаётган Вьетнам халқи билан бирдамлик ҳафталигига бағишланиб, 17 мартда бўлиб ўтган йиғилиши барча қатнашчиларининг кайфиятини ифодалади. Йиғилишда шаҳар олий ўқув юртларида таълим олаётган вьетнамлик студентлар қатнашдилар.

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Ўзбекистон комитетининг раиси, профессор Т. А. Саримсоқов ўз докладида республика меҳнаткашлари барча совет кишилари билан, барча прогрессив инсоният билан биргаликда Америка империалистларининг жиноий планларини барбод этишга қатъий аҳд қилганликлари тўғрисида гапирди. Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари, интеллигенцияси вакиллари, деди у, йиғилишларда ва митингларда Америка ҳарбийларининг ва уларнинг гумашталарининг ваҳшиёна ҳаракатларини ғазаб билан қораламоқдалар. Вьетнам масаласида Совет ҳукумати тутган позицияни қизғин маъқулламоқдалар.

«Узбексельмаш» заводи механика-йиғув цехининг мастери С Усмонов минбарга чиқади. Америка агрессорлари, деди у, деҳқонлар, кексалар, аёллар ва болаларни ўлдирмоқдалар. Америка агрессорларининг бу жиноятларини, уларнинг Вьетнам тупроғида қилаётган барча ёвузликларни инсоният ҳеч қачон кечирмайди.

Тўқимачилик институтининг инженери Ш. Содиқова ўз нутқида бундай деди: Американинг босқинчилар халқаро ҳуқуқ нормаларини қўпол равишда бузиб, уруш олиб боришнинг химиявий воситаларини ишга солиб, бутун инсоннятга дагдага қилмоқдалар. Уруш олиб боришнинг бундай воситаларини, ишлатишга ҳатто гитлерчи каллакесарлар ҳам жўраст этолмаган эдилар. Агрессорлар ўз ёвузликлари учун халқ суди олдида жавоб беришлари керак.

Ёзувчи М. Муҳамедов ўз нутқида шаҳар интеллигенциясининг ҳис-туйғулари ва фикрларини ифода этди У, тинчлик ва тараққиёт кучлари, халқларнинг Вьетнам ватанпарварларини кураши билан кун сайин кучайиб бораётган бирдамлик ҳаракати империалистларни Вьетнамдан қонли қўлини тортишга, ўз қўшинларини Ҳиндихитойдан олиб чиқиб кетишга мажбур этади, деб ишонч билдирди.

Тўпланганлар вьетнамлик студент қиз Хоанг Аннинг нутқини самимий кутиб олдилар. У, Вьетнам халқининг империализмга қарши курашида у билан бирдам бўлаётган совет дўстларига миннатдорчилик билдирди.

Йиғилиш қатнашчилари якдиллик билан қабул қилган резолюцияда Ҳиндихитой юзасидан тузилган Женева битимларига қатъий риоя қилишни, Америка қўшинларининг Жанубий Вьетнамдан дарҳол олиб чиқиб кетишни, Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишни тўхтатишни талаб қилдилар. Вьетнам халқи ўз тақдирини ўзи ҳал қилсин, истиқбол йўлини ўзи танлаб олсин, дейилади резолюцияда.

(ЎзТАГ).

«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 20 мартда чиқади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

18 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00—**Телевизион янгиликлар,** 18.20—**Ажойиботлар олами** (юқори синф ўқувчилари учун), 18.50—Съезд олди вахтасида. **Томди чорвадорлари,** 19.10—**Москва бўйлаб** (бадиий фильм).

Рус тилида: 20.30—**Телевизион янгиликлар,** 20.45—**Здоровье** (илмий-оммабоп программа), 21.25—**Париж балладаси** (ҳужжатли фильм), 21.50—**Директивалар лойиҳасини ўқиб,** 22.05—Ленин мукофотига номзодлар. **Аркадий Райкин. Эртаги кун программаси.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.10 — **Кичкинтойларга китоблар,** 18.35—**Тошкент янгиликлари,** 18.45—**Ҳақиқат музикаси** (илмий-оммабоп фильм), 19.05—**Вьетнам курашади** (ҳужжатли фильм), 19.25—**Гаврош** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 20.30 — **Шеърият мухлисларига,** 20.50—**Химия жиноятни фош этади** (телефильм), 21.00—**Тошкент янгиликлари,** 21.10—**Чолғу куйлари.**

ТЕАТР

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА—18/III да **Чио-Чио-Сан,** 19/III да **Риголетто.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—18/III да **Биринчи муҳаббат.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—18/III да **Қарн қиз.**

КИНО

Уттиз уч (янги рангли кенг экранли фильм)—САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Геракл жасорати—НАВОИ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Дон-Кихот болалари «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 9 ярим, 11 ва кеч 9-45 минутда).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

18 мартда

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Шаҳодат Раҳимова, Ғулом Абдурахмонов,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Жуманазар Бекжонов, Қундуз Миркаримова, Тоштемир Шарипов,** солистлардан **Сора Шукурова, Манзура Мўминова, Дилбар Абдуллаева, Зумрат Ҳожиева, Тўхта Рисметова,** Ўзбек давлат филармониясининг хор капелласи, Ўзбек ашула ва рақс ансамбли, Ўзбек халқ чолғу ансамбли қатнашади.

20, 21, 22 мартда

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ

Концертлари

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Фахриддин Умаров, Қундуз Миркаримова,** солистлардан **Манзура Мўминова Дилбар Абдуллаева, Равшан Мўминова, Тўхта Рисметова, Сора Шукурова** ва Ўзбек халқ чолғу ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар Концерт зали кассасида ва райкассаларда сотилади.

«Узбекгидрознергострой» трестининг

МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИЛГАН ИШЛАР БОШҚАРМАСИГА

жойларда ишлаш учун: **инженерлар, гидротехниклар, электромеханиклар, маркшейдерлар, геодезистлар, экскаватор, бульдозер машинистлари, слесарлар, электромонтёрлар**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 22-уй.

МЕТАЛЛОФУРНИТУРА ЗАВОДИГА

слесарлар, токарлар, рандаловчилар, фрезерчилар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Леваневский кўчаси, 2-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (3, 9, 10, 11-троллейбусининг «Леваневский кўчаси» остановкаси).

Фақат

САНЪАТ САРОЙИДА

18 мартдан 31 мартгача

Ўттиз уч

номли янги рангли кенг экранли кинокомедия кўрсатилади.

«Мосфильм» киностудияси ишлаган.

Бош ролда — Евгений Леонов

Постановкачи — режиссёр **Г. Данелия.**

Сеанслар эрталаб соат 11, кундуз 1, 3, 5 ярим, кеч 7 ярим ва 9-15 минутда бошланади.

Билетлар сотилмоқда. Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

30 МАРТДА ЛЕНИНГРАД ШАҲРИДА

3% ЛИ Давлат ички ютуқ заёмининг 110-АСОСИЙ ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ БУЛАДИ.

Тиражда заёмнинг йигирма разрядига 9.300.400 сўмлик 170000 ютуқ ўйналади.

3 % ли заём облигацияларини сотиб олиб, ютуқлар тиражида қатнашинг!

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ижроия комитети Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг **ҚУЙИДАГИ БУЮМЛАРНИ** комбинат материалидан арзонлаштирилган нархда

РЕМОНТ ҚИЛАДИ ва тайёрлайди

Печь коробкалари, трубалари, тирсаклари, духовкалари. **Дераза панжаралари,** кабинетлар учун никелли кийим илгаклари, пардалар учун турли катта-кичикликда никелли карнизлар; никелли кроватлар, металл дервозалар, темир черепица, кетмонлар, тешалар.

Болалар учун арғимчоқлар, скамейкалар ва бошқа буюмлар.

Маҳаллий патнислар (ҳар хил катта-кичиклик ва нақшда).

Қабр панжаралари, ёдгорликлари, тобутлар, металл гулчамбарлар.

Шиша консерва банкалари учун (қопқоғини бузмасдан очадиган) қалит.

Ахлат яшиклари (ҳар хил катта-кичиклиқда).

Автомашиналар («Волга», «Москвич», «Победа», «Запорожец») учун гаражлар қуради.

Самовар ва ҳоказоларни никеллайди, самовар, қозон ва бошқа буюмларни қалай билан оқартиради.

«Раскладушка» кроватлари, электроплитка, дазмол, тикув машинаси, велосипед, қулфлар, керосинка, примус ва бошқа уй-рўзғор буюмларини ремонт қилади.

Зарур маълумотларни В34185 телефон орқали сўраш мумкин.

«ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА

Қолипчилар, электросваркачилар, йиғувчи слесарлар, ремонтчи слесарлар, металл токарлари, автоматчи токарлар, фрезерчилар, прессчилар (аёллар), **қурилиш ишчилари, контролёрлар, вахтёр**

КЕРАК

Елғиз кишилар ётоқ билан таъминланади.

Тошкент шаҳар, Сельмаш кўчаси, 2-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (4, 13-трамвай, 3, 8, 10, 16, 21, 48-автобусининг «ТашМИ» остановкаси).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — В35212, Редактор ўринбосарлари — В35885, В36232, Масъул секретарь — В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — В31936. Партия турмуши — В35811, Саноат, транспорт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлимлари — В33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари —В39050. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — В38761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — В34048. Эълонлар бўлими — В38142. Коммутатор — В30249 дан В30258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 06258. ИНДЕКС 64969 Г — 1076.